

Коммунист фиркаси ва шўро ҳукумати ҳар мамлакатни ўз халки идора этишни асоси ўларок қабул этган ва буни тантанали суратда бутун дунё жаҳонгирларига қаршۇ эълон қилгондир. Чинданда бир мамлакатни ажнабий бир томондан қелган кишиларнинг эғалиқ қилиши, бир миллатнинг ўзга бир миллат қўли билан идора этиши қўб ҳақсизлиқга сабаб бўладир.

Бундай ҳодисалар мустамлака бўлгон мамлакатнинг иқтисодига зарба бериши билангина қолмай, у қуллик билан яшайтурган миллатнинг табиий истеъдодидан айрилишига ҳам сабаб бўладир.

Ҳолбуки, бу сўнги ҳодисалар шу ҳолга учраган миллатнинг дунёдан қетиши, йўқ бўлиши демақдир. Бу қунги тарихий воқеалар қўрсатадирки, турмуш ва анъанаси бошқа бўлгон бир миллат томонидан идора этилиб қелган миллатлар ўсмайдирлар. Уларнинг табиий истеъдод ва қобилиятлари инқишоф этмайдир, ўсмайдир.

Бир ёқдан бир мамлакат ўзи ўз ихтиёри билан ўсмаса, унда иқтисодий тармоғи ҳосил бўлмайдир. Чунки у мамлакатнинг бойлиғи учун ишланиладир, яъни бошқа мамлакатнинг фойдаси қўзда тутиладир. Бу ҳолда эса бу мустамлака бўлгон мамлакатнинг фойдасига эмас, «зарарига» қўб ишлар қилингон бўладир.

Бу ҳол иқтисодий пастланишга сабаб бўладирқим, ижтимоий тараккий ва таназзул ҳар вақт иқтисодий ҳаётнинг даражасига боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётнинг шу қонунлари назарда тутилғонида ҳар қим бу қунги миллий ва иқтисодий бўлишлар вужудга қелтирилмақда, шунинг учундирқим маҳкамаларни миллийлашдириш учун тиришилмоқдадир. Биз ҳар вақт қўруб қеламизқим, марказда ҳаётимизга мувофиқ қарорлар ва декретлар қилариладир ва мумкин қадар ўрнига қетириши ўз жойларига татбиқ этиши танбех қилинадир.

Ҳақат таассуфлар бўлсинқим, қўб вақт бу қарорлардан қерагинча фойдаланилмай қоладир.

Ўрис жаҳонгирлиғи вақтида Туркистон генерал-губернатори ёнида қўчуриш маҳкамаси (переселенческое управление) деган идора бўлар эдиқим, унинг бир вазифаси Туркистоннинг доимо ўруслар қўлида қолишини таъмин этмақ учун ўрус муҳожирлари қелтуруб ерлашдирмақ эди. Шу мақсад биландирқим, Туркистоннинг ҳар шаҳарида энг маҳсулдор ерларида ўрис қишлоқлари қурулди.

Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида бундай қишлоқлар ҳаёти ҳам бор ва қўчманқилар қошки ёлғиз ўзларига берилган жойларга эғалиқ қилсунлар. Булар ўз ҳукуматлари қабии одамқарқилиқни билмас эдилар. Ётти-сувдағилар қирғиз-қозоқтарни ўлдириш, молларини талаш билан машғул бўлдилар. Бошқа жойдағилари ҳам атрофларидағи қамбағал дехқонларни ҳар турли қийноқлар остида таламоқ билан қун ўтқаздилар.

Шунисини ҳам айтиб ўтиш қераққим: бу қўчманқиларнинг қетирилиши Туркистонда бўш жойларнинг қўблиғидан ҳам эмас эди. Бизла бўш жойлар йўқ эмас, бордир. Ҳақат у жойлар сувсиз, қум қўлларида иборатдир. Ўрус муҳожирлари Туркистоннинг энг яхши ҳосил берадиган жойларига бирлашганлар. Бу муҳожирлар қелгандан қейин Ёттисувда қирғиз-қозоқлар жойсиз қолғонлари қабии Туркистонда ўзбек ва турқманлар ўз ерларида ажралғонлар.

Бу қун Туркистонда ерсиз дехқон қўбдир. Туркистонда эллик мингга яқин батрақларнинг борлиғи буқун маълумдир.

Холбуки, кўшчи уюшмаларига кирмаганлари ҳам анчагинадир.

Хол шундай экан, биз хали ҳам ўрус мухожирларининг Туркистоннинг турли ерларига ерлашмакда давом этганларини Фаргона ва Андижон музофотларининг Жалолобод, Бозоркўргон томонларида янги мухожирларнинг келганликларини ўшал ерлардаги ишчилардан эшитдик. Самарканднинг Жумабозор живорида кўб жойларнинг шу мухожирлар томонидан ишгол килингонлиги кўруладир.

Вилоят ер шўъбасидан олингон маълумотга караганда Жумабозордаги мусулмонларга тегишлик бўлгон юз таноблик ерлар ва богларнинг кўбчилик эътибори-ла ўрис мухожирларига ўн йиллик, ўн беш йиллик ижарага берилгандир.

Холбуки, шул Жумабозорнинг ўзида кўб дехконлар бордирки, ери бўлмагонидан мажбуран ерли бойга ёки шу катга ерни ижарага олгон мухожирларга кундалик мардикор бўлиб ишламакдадир. Бу ўн йиллик ё ўн беш йиллик богларнинг ижаралари ҳам кўб ортик эмасдир. Ё бир уй ясамок, ёки бир неча дарахт ўтказмогига кифоя килгондир. Биз бу енгил шартлар билан ижарага мусулмон мардикорлари ҳам олсалар идора килиш уддасидан чиқарлар, деб ўйлаймиз. Бу гайритабиий холнинг бўлишига сабаб нимадир? Декретлар ва қарорларми? Йўк, албатта, йўк! Балки шўро маҳкамаларида ўз бузук мақсадларини юргузмок учун ўрнашиб қолгон мустамлакачилар, тесқаричилар сабаб бўлурлар.

Ер-сув маҳкамаларининг шўъбаларида мутахассис оти билан ўтириб олгон тор ўрус миллатчилари мусулмонларга шўро ҳукуматини ёмон кўрсатмак учун қўлларидан келган ёмонликларни қилмокчи бўлгондирлар. Шўро ҳукуматига қарши бўлиш ишчи дехконга қарши бўлишдир.

Мусулмон меҳнаткашлари ерсиз-юртсиз оч-ялангоч юрсалар юрсунлар, Жалолободда бўлғони қаби ўрус бой дехконлари 200—300 таноблик ерларни ёлғиз ўларок идора этсунлар ва мусулмон ерсиз дехконларини хотун бола-чақалари билан юз ҳақорат остида ўлгудай ишлатсунлар. Бу гайритабиий ва гайриқонуний ҳолга ҳеч вақт ишчи ҳукумати рози бўлмас. Шунинг учундирким, марказимиз маҳкамаларини миллийлашдириш учун энг жиддий аҳамият бермакдадир. Вазифа ёлғиз жойлардаги маъсул ишчилар устига қоладир. Фақат эсдан чиқармаслик керакким, мусулмонлашдириш деб ҳам халқнинг бошига келиб ётган мусибатларни кўра олмайтургон ғамсиз ва парвосиз маҳлуқларни ҳадеб тайин қилабермак ҳам бекордир. Ишчи-деҳконнинг темир қўлли тафтиш хайъати ҳар замон ўз алангали кўзини энг қоронги бурчакларга тикмаги керақдир. Ана шундагина шўро ҳукумати дунёдаги ҳукуматларнинг энг одили бўлгон бўлур. Бу ишлар эса буқунги қамбағал ишчи ва дехкондаи чиққан маъсул ишчиларнинг бўйунларидаги вазифадир.

«Мустамлакачилик ўз йўлида» мақоласи «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 3 сентябр сонида босилган.